

Б.Б. Муллабаев, катта илмий ходим-изланувчи, ТДИУ,
С.И. Алабаев, тадқиқотчи, НамМПИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ВЕРТИКАЛ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ

В статье предложены внедрения вертикальной интеграции процессов для развития инновационной деятельности отрасли производства. А также изложены рекомендации по усовершенствованию данной отрасли.

The article suggests the implementation of vertical integration of processes for the development of innovation production industry. Also provides recommendations on improvement of the industry.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш тузилмаси, меҳнат тақсимоти, вертикал интеграция, корпоратив бошқарув, инновация, инвестиция.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва уни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлаш учун мамлакатда иқтисодий ресурсларнинг етарлилиги муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда иқтисодий ресурсларнинг етарлилиги улардан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш лозимлигини келтириб чиқаради. Мавжуд имконият ва захираларни ишга солишнинг энг муҳим йўналиши, мамлакатдаги бой минерал хомашё ҳамда ўсимлик дунёси ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич ошириб бориш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода ҳозирги кунда давлатимиз томонидан истиқболли саноат маҳсулотларининг рақобатдошлигини ошириш орқали жаҳон бозорида янги сегментларни кенгайтириш ва эгаллаб олиш масалалари долзарб бўлиб, бу орқали ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш, жаҳон меҳнат тақсимотида ўз ўрнини эгаллаш ҳамда самарали корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш масалаларини ҳал этилиши режалаштирилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов “... Корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу тариқа, замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда, лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди”[1]. Эндиги вазифа уларни амалиётга фаол жорий қилишимиз зарур. Демак, бу ўз навбатида саноат корхоналарида бошқарувнинг замонавий усулларида фойдаланишни ва инновацион фаолликни ошириш, инвестицияларни жалб этиш дастурларини

ишлаб чиқишни, корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмаларини яратишни талаб этади.

Чунки, мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган юксак самарали технологияларни жорий этиш орқали жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш мумкин. Корхоналарда инновацион жараёнларни тизимли шакллантиришга ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш биринчи навбатда корхонанинг бошқарув стратегиясини такомиллаштириш даражасига боғлиқ.


Ўзбекистон Республикасида иқтисодий муносабатларнинг тубдан ўзгариши, мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектларни бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга олиб келади. Чунки, жамиятда ҳар бир ишлаб чиқаришнинг ривожланиши якка ҳолатда амалга ошмайди. Улар ўртасидаги мураккаб муносабатларни келгуси натижалари ва таҳлилларини эконометрик моделлар орқали таҳлил этиш ушбу ҳамкорликни узвийлигини олдиндан кўра билиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида соҳа йўналишида эконометрик моделларни ишлаб чиқишни ва ривожлантиришни тақозо этади[2]. Шу маънода ишлаб чиқариш тармоқларида инновацион фаолиятни ривожлантиришда вертикал интеграция жараёнларини татбиқ этиш истиқболини аниқлаш, у бўйича келгуси қабул қилинадиган қарор ва фармонларни ишлаб чиқиш, бевосита ушбу соҳа бўйича эконометрик моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишни талаб қилади.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида инновацион фаолиятни самарали амалга оширишда бошқарув тизими иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Замонавий менежмент амалиётида корхоналарни инновацион бошқаришнинг асосий тамойилларидан бири сифатида илмийлик тамойили муҳим ўзак ҳисобланади. Шу боис, мамлакат иқтисодиётида корпоратив секторларни шакллантириш, корхонанинг вертикал интеграция стратегиясини такомиллаштириш, айниқса, бошқарувнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва такомиллаштириб бориш долзарб масала бўлиб, ушбу муаммони юқорида келтирилганидек эконометрик таҳлиллар асосида ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион фаолият ва унинг муҳитини ривожлантириш, ҳозирги кунда мамлакатни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ҳамда сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасида инновацион муҳитни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарида бозор ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш масалаларига қаратилган ислохотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки,

ҳозирги глобаллашув жараёнида мамлакатда мавжуд йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини узвийлигини таъминлашда, уларда инновацион фаолиятини ривожлантириш ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инновацион фаолиятни ривожлантириш мамлакатда танлаб олинган бозор иқтисодиёти тараққиётининг ўзига хос бўлган “Ўзбек модели”га мослигини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бунда авваламбор, ҳозирги кунда мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эътибор қаратилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, уларда бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда инновацион фаолиятни ривожлантириш

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Мазкур тадқиқотлар бўйича жаҳоннинг етакчи ривожланган АҚШ ва Европа мамлакатларида етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу илмий-тадқиқот ишлар АҚШ ва Европа мамлакатлари иқтисодиётида ўзининг қўлланилиш самарасини топган. Бундан ташқари МДХ давлатларидан Россия Федератив Республикасида саноат корхоналарини бошқаришда вертикал интеграция жараёни мамлакат иқтисодиётига мослаштирилиб яратилган ва

ҳозирги вақтда фойдаланиб келинмоқда. Бу жараёндан асосан, ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш орқали самарадорликни ошириш таклиф этилади.

Юқорида келтирилган жараёнларда иқтисодиётни модернизациялаш шароитлари ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожланиши ҳисобга олинмаган. Лекин биз амалга оширадиган илмий тадқиқот ва у асосида ишлаб чиқиладиган таклиф ҳамда вертикал интеграция асосида инновацион фаолиятни такомиллаштириш моделлари иқтисодиётдаги мураккаб муносабатларни келгуси натижалари ва таҳлилларини эконометрик моделлар орқали таҳлил этиш асносида ушбу ҳамкорликни узвийлигини олдиндан кўра билиш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқиладиган эконометрик таҳлиллар ва шу асосида ишлаб чиқиладиган тавсиялар республикамиз миллий иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва истикболдаги ривожланиш йўналишларини, корхоналарни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш шароитида вертикал интеграция стратегиясини такомиллаштириш эвазига корхоналарнинг инновацион фаолиятини бошқариш, саноат корхоналарини техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ҳамда янгиларини яратиш билан бирга ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имкониятини яратиш мумкин.

Ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни моделлаштириш асосида тармоқларнинг бир-бири билан иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, тармоқларда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва биринчи навбатда ишлаб чиқариш тармоқларида вертикал интеграция жараёнлар тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ қилиш ҳамда илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, корхона фаолиятини барқарор ўсишини ва глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлашда ишлаб чиқариш тармоқларини бошқаришга таъсир кўрсатувчи вертикал интеграция жараёни омилларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни ҳамда улар орасидаги микдорий боғланишларни аниқлашни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ишлаб чиқариш тармоқларида вертикал интеграция асосида инновацион фаолиятни такомиллаштириш нафақат илмий-назарий, балки муҳим амалий аҳамият ҳам касб этади.

Шу боис, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда ташқи омиллар таъсирини ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назарида шакллантириш ҳамда улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар асосида иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ҳамда иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш, таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни модернизациялаш, бунинг биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш белгилаб берилган бўлиб, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш тармоқларида вертикал интеграция фаолиятини такомиллаштириш орқали амалга ошириш кўзда тутилади.

Шунингдек, ушбу тизим фаолиятини иқтисодий ислохотларни ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги муносабатларни ўзгариб туришини эътиборга олган ҳолда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши, қўйилган мақсадни янада такомиллаштиришга олиб келади. Бунинг учун бизнинг фикримизча, қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш корхоналарида вертикал интеграция методологиясини ўрганиш ва уни ривожлантиришда интеграцион жараёнларни яъни интеграция ҳолатда меҳнат тақсимотини, инновацияни, капитални, ишчи кучини, ихтисослаштириш ва кооперациялаш жиҳатларини назарий жиҳатдан ўрганиш, яхши мукамаллашган ҳўжалик механизмининг яратиш;

- вертикал интеграцияни инновацион тараққиётдаги тамойиллар, иқтисодий ва маъмурий усулларни ишлаб чиқиш ва иқтисодий-назарий жиҳатдан уларни асослаш бу борада жаҳон тажрибаларини ўрганиш, уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш усулларини ишлаб чиқиш;

- иқтисодий жараёнларда вертикал интеграция бўйича иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар тизимини яратиш ва таҳлилларини ўтказиш. Вертикал интеграция асосида инновацион ривожланишдаги мезонларни ишлаб чиқиш, вертикал интеграцияда фойда, рентабеллик ва самарадорликни аниқловчи кўрсаткичларни белгилаш ҳамда баҳолаш усулларини яратиш, иқтисодий тармоқларда вертикал интеграция фаолиятида инновацион тараққиёт асосида фойдани максималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистонда иқтисодий тармоқларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили. Бир ёқлама ва кўп томонлама интеграцияда бўлган тармоқларнинг ривожланиш динамикаси таҳлилини амалга ошириш, вертикал интеграция фаолиятига мос келувчи тармоқларни гуруҳлаш, уларнинг шакллари тавсифлаш, иқтисодий, ташкилий, техникавий муносабатларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида ишлаб чиқариш тармоқларида вертикал интеграция фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш, уларни туркумлаш, омиллар таъсир даражасини иқтисодий-математик усуллардан фойдаланган ҳолда корреляцион ва регрессион таҳлилларини ўтказиш;

- эконометрик ва иқтисодий-математик кўрсаткичлар ҳамда инструментарийлар асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида вертикал интеграцияда инновацион фаолият самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш, олинган эконометрик ва математик таҳлил натижаларидан фойдаланилган ҳолда иқтисодиётда вертикал интеграция асосида самарадорлигини ошириш сценарийларини яратиш ҳамда чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хомашё экспортини камайтириб, тайёр маҳсулот экспортини ошириш лозимлиги тўғрисида қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга оширишни назарда тутган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмалар учун кетма-кет бўладиган ишлаб чиқариш босқичларида ишлаб чиқарувчи ва сотиш ҳаражатларини камайтиришда ишлаб чиқариш жараёнига вертикал интеграцияни татбиқ этиш кенг имкониятлар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 16.01.2016 й.

2. Алимов Р.Х., Байхонов Б.Т., Ишназаров А.И., Имомов Ж.О. Корхоналарда инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш.—Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 104 бет.